

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

**И. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРГАШОВ ЁҚУБ СУВОНОВИЧ

**Nb, Si, CdTe ВА CaF₂ КРИСТАЛЛАРИНИНГ СИРТ ОСТИ
ҚАТЛАМЛАРИДА ИОН БОМБАРДИМОН УСУЛИДА ҲОСИЛ
ҚИЛИНГАН НАНОЎЛЧАМЛИ СТРУКТУРАЛАР
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ФИЗИК-ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА
ЭЛЕКТРОН-ОПТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Эргашов Ёкуб Сувонович

Nb, Si, CdTe ва CaF₂ кристалларининг сирт ости қатламларида ион бомбардимон усулида ҳосил қилинган наноўлчамли структуралар шаклланишининг физик-технологик асослари ва электрон-оптик хусусиятлари. 4

Эргашов Ёкуб Сувонович

Физико-технологические основы формирования и электронно-оптические свойства наноразмерных структур, созданных в приповерхностных слоях кристаллов Nb, Si, CdTe и CaF₂ ионной бомбардировкой 31

Ergashov Yokub Suvonovich

Physico-technological foundations of the formation and electronic-optical properties of nanoscale structures created in the near-surface layers of crystals Nb, Si, CdTe and CaF₂ by ion bombardment 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/FM.167 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (<http://iplt.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Умирзаков Болтаходжа Ерматович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Нормуродов Муродилла Тогаевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расулов Акбарали Махаматович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Усманов Дилшадбек Турсунбаевич
физика-математика фанлари доктори,

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Х.Б. Ашуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси т.ф.д., профессор

И.Д. Ядгаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ҳодим

Ш.Д.Пайзиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д.,
к.и.х.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Сўнги йилларда наноўлчамдаги кўп қатламли яримўтказгичли гетероструктуралар олиш ва хоссаларини ўрганишга бўлган қизиқиш кескин ортмоқда. Бу тузилмалар ўта юқори частотали транзисторлар, диодлар, оптик резонаторлар, электрон ва магнитли хотира қурилмалари, шунингдек наноўлчамли тузилмалар учун омик контактлар ва тўсиқ (барьер) қатламларини яратиш учун истиқболли ҳисобланади. Кичик энергияли ионларни бомбардимон қилиш турли табиатли материаллар сиртида ва сирт ости соҳаларида наноўлчамли тузилмаларни яратиш учун истиқболли усулларидан биридир. Металл силицидларнинг нанокристалл фазалари тақиқланган зона кенлиги E_g уларнинг ўлчамларига қараб 0.6–1 эВ оралиғида ўзгариши мумкинлиги аниқланган. Олинган тажриба натижалари шунини кўрсатдики, пленкаларнинг мукамаллиги ва хусусиятлари кўп жиҳатдан уларни синтез қилиш усулига, қалинлигига ва юза морфологиясига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Гетероструктураларни ҳосил қилишда яримўтказгичларнинг чегарасида атомларнинг ўзаро диффузияси натижасида юқори қаршилили ўтиш қатлами вужудга келади. Бироқ, бу қатламнинг табиати ва таркиби ҳақида ҳали ҳам ҳар хил тушунчалар мавжуд. Кўпчилик тадқиқотчилар юқори қаршиликли қатламни қаттиқ эритма деб қарайди. Оралиқ қаттиқ эритманинг хоссалари асосан уни тайёрлаш учун танланган оптимал режимларга (таглик ҳарорати ва жараён давомийлиги) танлашга боғлиқ.

Турли табиатдаги материалларнинг сирт ости соҳаларининг турли чуқурликларида наноструктура ва наноқатламлар олиш ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳамда улар асосида наноқатламли гетероструктуралар яратиш замонавий физик электрониканинг **долзарб илмий вазифасидир**. Соҳада олиб борилаётган ишларнинг амалиётга жорий этилаётган маълум электрофизик хоссаларга эга бўлган сифатли янги материаллар базасини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий талаблар асосида кристалларга қўшимча элементлар киритиш йўли билан сифатини янада ошириш, уларнинг олиш технологияларини мукамаллаштириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Физик электрониканинг нано- ва микроэлектроника соҳасида ишлаб чиқарилаётган элементлар базаси функцияларини кенгайтириш муаммоларини ҳал қилиш, уларни кенг қўламда қўлланишини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Амалий жиҳатдан ушбу тизимлар турли хил оптик ва электрон қурилмалар, қуёш батареялари ва ёруғликга сезгир қурилмаларини яратиш учун катта аҳамиятга эга. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш: ҳар хил энергиялар ва дозаларда металл ионларини имплантация қилиш; металл ионлари билан бомбардимон қилиш ва кетма-кет қиздириш ёрдамида яримўтказгичларда наноўлчамли фазалар ҳосил бўлишининг асосий механизмлари ва қонуниятларини ўрганиш; юпқа оксид қатлами билан

копланган кремнийни қисман зарядланган металлар билан чанглатишнинг ўтиш қатламлари шаклланишига таъсирини тадқиқ қилиш. Бу йўналишда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди. Ушбу ишда ион имплантацияси усули нанофазалар ва наноқатламлар олишнинг асосий усули сифатида ишлатилган.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва фармонларида, шунингдек, сўнгги йилларда республикада ушбу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга маълум даражада мос келади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналиши доирасида бажарилган: Ф.2. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» ва ППИ-3. Энергетика, энергоресурс тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлик.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро тадқиқотларнинг шарҳи¹.

Ҳозирги кунда наноўлчамли тузилмаларнинг физик хусусиятларини олиш, ўрганиш ва уларни шаклланиш механизмларини аниқлаш билан шуғулланадиган дунёнинг етакчи мамлакатлари илмий-тадқиқот марказлари, институтлари ва университетлари: Atomic-Scale Surface Science Research Center and Department of Physics, Yonsei University, Seoul (южная Корея), Lehrstuhl für Festkörperphysik, Universität Erlangen-Nürnberg, Staudtstrasse Erlangen (Германия), Sektion Physik Universität München (Германия), Departamento de Física de la Materia Condensada, Universidad Autonoma de Madrid (Испания), Department Electrical and Computer Engineering, University of California (США), Watson Research Center, Yorktown Heights, NY (США), Centre de Recherche sur les Mecanismes de la Croissance Cristalline Campus de Luminy Marseille (Франция), Atmosphere and Ocean Research Institute, University of Tokyo (Япония), Advanced Institute for Materials Research (WPI-AIMR), Tohoku University (Япония). Москва Давлат университетида, РФАсининг Физика-техника институтида ва бошқа муассасаларда

¹ Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен на основе: Atomic-Scale Surface Science Research Center and Department of Physics; Yonsei University; Lehrstuhl für Festkörperphysik, Universität Erlangen-Nürnberg; Física de la Materia Condensada, Universidad Autonoma de Madrid; Department Electrical and Computer Engineering, University of California; Watson Research Center, Yorktown Heights; Advanced Institute for Materials Research (WPI-AIMR), [Tohoku University](#);

экспериментал ва назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. хусусан каттик жисм юза ва юза ости соҳаларида наноўлчамли тузилмаларни МНЭ, ҚФЭ, ГФЭ, ион билан бомбардимон қилиш усуллари ёрдамида олинмоқда ва уларни муҳим илмий натижалари ва қонуниятлари ўрганилмоқда.

Диссертация иши йўналиши бўйича бир қатор долзарб муаммолар ҳал қилинди ва муҳим илмий натижалар қўлга киритилди: Газсимон муҳитда фаоллаштирилган NbMo қотишмаларининг ташқи таъсирга эмиссия самарадорлиги ва барқарорлигини оширишнинг асосий механизмлари экспериментал равишда аниқланди (Дюбуа ва бошқалар, “ИИЧТ Исток” АЖ, Фрязино ш.); CoSi₂/Si яримўтказгичли бирикмалар кристалл панжараси учун математикавий моделлаштириш ва тадқиқот усулларни қўллаган ҳолда, ички ва статик манфий дифференциал ўтказувчанликни минизонали ва электрон бўлмаган дисперсион қонуни ўртасидаги кучли ўзаро таъсир шароитида кўрсатилган (Ю.Ю. Романова ва бошқалар, Микро тузилмалар физикаси институти, РАС); Si/CaF₂ плёнкасининг вольт-ампер характеристикасини ўлчаш жараёнида манфий дифференциал қаршилиқ аниқланди (С. Менард ва бошқалар, Кристалл ўсиш механизмларини ўрганиш маркази, Марсел, Франция).

Хусусан, ҳозирги вақтда кремнийли КҚЯ технологиясида омик контактлар ва тўсиқ қатламларини яратишда SALICIDE (Self-Aligned-silicide) ўзаробирлашиш жараёни кенг қўлланилиб, транзисторнинг контакт тизими топологик чизмасини яратишда литография талаб этилмайди. SALICIDE технологик ёндашуви, шунингдек, SAN (Self-Aligned-Nanostructures) асбоб композициясини яратишда, масалан, CoSi₂ асосида ингичка (юпқа) диэлектрикли кремний оролчалари сиртида ҳосил бўлишида фойдаланиш мумкин. CaF₂/Si, Au/CaF₂/Si каби наноплёнка тизимларининг диэлектрикни тақиқланга тўсиғи орқали электрон ва тешикларни туннеллашнинг асосий механизмлари аниқланди ва ушбу тизимларни резонанс туннел диодларида, майдонли транзисторлар ва бошқаларда фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга қадар кенг фойдаланилаётган ва истиқболдаги функционал электрониканинг янги қурилмаларини яратишда турли табиатли наноўлчамли тузилмаларнинг таркиби, тузилиши ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб ишлар олиб борилди. Ю.Ж.Тулешев ва бошқ. томонидан илк марта ион плазмали чанглатиш ва чўктириш йўли орқали Те нинг Cd, Cd даги Те нинг каттик эритмалари олинди. Қопламада Cd концентрацияси ортиши (ошиши) билан CdTe куб панжарасининг параметри ортиб (ошиб) бориши аниқланди, бу эса қопламаларни нанокристалл тузилмалар сифатида таснифлаш имконини беради.

Н.А.Герасименко ва бошқалар томонидан ион имплантацияси вақтида яримўтказгичларда нанозаррачали тузилмалар ҳосил бўлиш қонуниятлари ва механизми ўрганилди. Айниқса, S.Facsko, T.Dekorsy и С.Коердт томонидан ионли чанглатиш ёрдамида квант нуқталари олинган натижалар

қизиқарлидир. Улар томонидан диаметри 35 нм. бўлган квант нуқталаридан гексагональ кристалл тузилмани GaSb(100) сиртини Ar^+ ионлари билан бомбардимон қилиш орқали олинди. S.Menard, M.Liniger, Ю.А.Берашевич, В.Е.Борисенко ва бошқ. томонидан диэлектрикнинг локаллашган ҳолатида Si/CaF₂ даврий наноўлчамли тузилмалари заряд ташувчи кинетик модели таклиф қилинди. Ушбу модел асосида даврий наноўлчамли тузилмаларда манфий дифференциал қаршилик ва токки гистерезисни бошқарувчи заряд эффектлари тушунтирилади. CdTe кристалл заррачалар ўлчами 10-15 нм га тенг. бу эса қопламаларни нанокристал тизимлар деб тавсифлаш мумкин.

Профессорлар Б.Е.Умирзаков, М.Т.Нормурадов ва бошқаларнинг ишларида илк марта кичик энергетик ион бомбардимон қилиш усули билан металл, ярим ўтказгичлар ва диэлектрик плёнкалар сиртида бир ва кўп компонентли наноўлчамли кристалл фаза ва плёнкалар олинган. $d \leq 50-60 \text{ \AA}$ да наноплёнка қалинлигининг камайиши (пасайиши) билан тақиқланган зона ва «а» панжара доимийсининг қиймати ортиб бориши кўрсатилган. Кўпкомпонентли наноўлчамли тузилмаларни шакллантиришнинг асосий механизмлари аниқланди.

Мазкур ишни бошлашдан аввал ион имплантация усули ёрдамида юпқа сирт ости қатламида наноўлчамли гетеротузилма ва яримўтказгичли плёнкалар асосида икки ва уч қатламли гетероқатлам олиш амалда қўлланилмаган. Материалларнинг сирт ости қатламида яратилган наноўлчамли тузилмаларнинг ўлчамлари, таркиби, тузилиши, электрон хусусиятлари ва ҳосил бўлиш механизмлари ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган ташкилот билан ўзаро алоқаси. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот давлат дастури доирасида ва ОТ-Ф2-53-сонли “ A^3B^5 ва A^2B^6 плёнкаларининг сирти ва сирт остида ҳосил бўлган икки қатламли наноўлчамли тузилманинг электрон хоссалари ва квант ўлчамли эффектлар” (2017-2020); А-4-7-сон “Микро ва оптоэлектроника асбоблари, шу жумладан, қуёш энергетикаси учун кремний ва арсенид галий монокристалл пленкалари сирт ости қатламларида гетероэпитаксиал наноўлчамли тузилмаларни синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2015–2017); “Такимиллаштирилган теплофизик хусусиятлар билан наноўлчамли силикат шиша шакллантиришнинг физик асосларини ишлаб чиқиш” (2019-2021).

Тадқиқотнинг мақсади ион бомбардимон қилиш ва вакуумли чанглатиш давомида Mo, Nb, Si, CdTe, CoSi₂ ва CaF₂ нинг сирт ва сирт ости соҳаларида наноўлчамли фаза ва қатламлар ҳосил бўлиш механизмларининг физик қонуниятларини ўрнатиш, уларнинг таркиби, тузилиши, электрон ва оптик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қийин эрувчи ва актив металл ионлари билан бомбардимон қилинганда Nb нинг эмиссион ва оптик хусусиятлари ўзгариши механизмларини аниқлаш.

Mo и Nb сиртининг оксидланишининг ишқорий металл ионларининг сочилиш коэффициентига таъсирини назарий ва экспериментал ўрганиш.

Монокристалл Si нинг валент электронлари спектрига Ag^+ ионлари билан бомбардимон қилиш таъсирини экспериментал ўрганиш. Si валент электрон ҳолати максимал зичлиги ўзгариши билан Ag^+ нинг энергия ва нурланиш дозаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини баҳолаш. Кузатилган ўзгаришларни назарий изоҳлаш.

Si нинг сирт ости соҳаси бир нечта қатламларида ҳосил бўлган наноўлчамли фаза ва $CoSi_2$ қатламлариининг кристалл ва электрон структурасини олиш ва ўрганиш. $SiO_2/Si/CoSi_2/Si$ шаклидаги кўп қатламли тизимнинг тузилиши, эмиссион ва оптик хусусиятларини олиш ва ўрганиш.

$CoSi_2/Si$ (111) гетероструктура сиртида ҳосил бўлган Si нанокристаллари ва плёнкалари электрон ва кристал тузилишини ўрганиш.

Mo (111) сиртида ГФЭ усули орқали олинган CdTe плёнкаларининг таркиби, сирт морфологияси, кристалл панжара параметрлари, энергетик зоналари ва эмиссион хусусиятларини Ag^+ ионлари билан аввалги ва кейинги емириш (травления)дан сўнг аниқлаш.

Me^+ ионларини имплантация қилиш ва кейинги қиздириш йўли билан CdTe сирти ва сирт ости соҳасида эпитаксиал наноўлчамли CdMeTe ($Me - Ba, Zn$) шаклланиш жараёнларини ўрганиш.

CdTe турли чуқурликларида яратилган CdMeTe наноқатламининг тақиқланган зона кенлиги ва валент электронлари ҳолатининг таркиби, тузилиши, зичлигини ўрганиш.

Тадқиқот объекти Nb, Mo, Si монокристалл намуналари, Si, CdTe ва CaF_2 эпитаксиал плёнкалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети - ўрганилаётган материалларнинг сирт ва сирт ости қатламларида нанокристаллар ва наноплёнкаларнинг шаклланиш механизмлари ҳамда электрон ва кристалл тузилмалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Оже – электрон спектроскопия (ОЭС), ультрабинафша нурланишнинг фотоэлектронлар спектроскопия (УБФС), эластик қайтган электрон спектроскопия (ЭҚЭС), электрон энергия йўқотиш спектроскопияси (ЭЭЙС), тез электронлар дифракцияси (ТЭД), растрли электрон микроскопия (РЭМ), атом-кучланишли микроскопияси (АКМ), ўтувчи ёруғлик нурларининг спектроскопияси каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Mo ва актив металллар ионлари билан бомбардимон қилинган Nb сирт қатламларининг электрон тузилишидаги ўзгаришларнинг асосий-қонуниятлари аниқланган;

ишқор металл ионларининг сочилиш коэффициентига сирт оксидланишининг таъсири назарий ва экспериментал тарзда баҳоланган;

сирт қатламларининг тартибсизлиги Si нинг монокристалл электрон тузилишига таъсири ўрганилган;

илк бор Si (111) сирт ости қатламининг турли чуқурликларида яширин CoSi₂ нанофазалари, икки ва уч ички қатламларида нанофаза яратишнинг муқобил шартлари ҳамда олинган тизимларнинг кристалл ва электрон тузилиши ўрганилган;

CoSi₂ сиртидаги квант ўлчамли фаза ва Si плёнкалари олиниб, уларнинг электрон хусусиятлари ва уч қатламли Si/CoSi₂/Si (111) нанотузилма олиш методикаси ишлаб чиқилган;

CdTe газ фазали чўктирилган поликристалл плёнкалари таркиби ва электрон хусусиятларига сирт микронотекисликлар таъсири ўрганилди ва қиздириш усули орқали Ar⁺ ионлари сирти емирилишидан кейинги ўзгаришларнинг асосий қонуниятлари аниқланган;

E₀=0,5-5 кэВ энергия ўзгариши билан кейинги қиздириш йўли орқали Ba⁺ ионлари имплантацияси пайтида CdTe/Mo(111) сирт ости плёнка соҳасида Cd_{0,5}Ba_{0,5}Te уч компонентли нанокристалл ва нанопёнкалар шаклланишининг асосий механизмлари ва қонуниятлари ўрганилган;

илк бор ион имплантация усули CdTe нинг турли чуқурликларида уч компонентли наноўлчамли фаза ва қатламларни олиш учун қўлланилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Si ва CdTe сирт ости қатламининг турли чуқурликларида металл ионларини имплантация қилиш усули билан икки ва уч компонентли нанотузилмалар олинди.

Металлар, яримўтказгичлар ва диэлектриклар асосида кўп қатламли системаларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари ўрганилди ва оптимал режимлар (ионлар тури, энергияси ва дозаси, ҳарорати ва тоблаш) аниқланди.

Олинган натижалар ҳамда ион имплантациясини босқичма-босқич ўтказиш бўйича талиф қилинган технологиялар қаттиқ жисмлар электроникаси учун янги қурилмаларни яратишда истиқболга эга.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электрон спектроскопия ва зондли микроскопиясининг замонавий аналитик усулларимажмуасидан фойдаланиш ҳамда Nb, Si, CdTe ва CaF₂ нинг тоза намуналарида олинган маълумотларнинг бошқа муаллифларнинг натижаларига мос келиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Илмий аҳамияти: олинган илмий тадқиқот натижалари ион бомбардимон қилиш ва кейинги қиздириш жараёнида металллар, яримўтказгичлар ва диэлектрикларнинг турли соҳаларида наноўлчамли тузилмаларни шакллантириш (ҳосил бўлиш) механизмларини намоён қилишга (очиқ беришга), шунингдек, яширин (ёпиқ) нанофазалар ва наноқатламларнинг электрон ва кристалл тузилиши ҳақидаги билимларни кенгайтиришга имкон беради. Ушбу натижалар квант ўлчовли материалларни шакллантириш назариясини ва ион бомбардимон пайтида кўпкомпонентли тузилмаларни шакллантириш жараёнларининг назарий моделларини яратиш назариясини ишлаб чиқиш учун жуда муҳимдир.

Амалий аҳамияти: Ишлаб чиқилган технологиялар ва наноўлчовли тузилмаларни яратишнинг оптимал режимларини аниқлаш янги электрон қурилмаларни (КИС, ЎКИС, микротўлқинли қурилмалар, оптик сенсорлар, хотира элементлари, қуёш батареялари ва бошқаларни) ривожлантириш истиқболларига эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ион бомбардимон қилиш ва вакуумли чанглатиш усулларида наноўлчамли фаза ва қатламлар ҳосил бўлиш механизмларининг физик қонуниятларини ўрнатиш, уларнинг таркиби, тузилиши, электрон ва оптик хусусиятларини аниқлашда олинган илмий натижалар асосида:

эркин кўп қатламли кремний-силицид металл наноплёнка олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (№ IAP 05741 - 2019 й). Натижада, кўп қатламли кремний-силицид-металл гетеротизимини ҳосил қилишнинг эффектив усули яратилган;

кремний плёнкасида металл дисилицидининг нанокристалл тузилмасини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (№ IAP 06215 - 2020 й). Натижада, кремнийнинг юзасида дисилицид нанофазаларини ва нанопленкаларини ҳосил қилишнинг ионлар имплантациясига асосланган усули яратилган;

Co^+ ионлари билан имплантацияланган Si монокристаллининг Оже электрон спектроскопия усулида олинган натижалари Ф-2-31 рақамли “Наноўлчамли металллар силицид плёнкаларни структураси ва физик хоссаларини ўрганиш ва термосезгир структуралар ҳосил қилиш” ҳамда 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А3-56 рақамли “Олий маргенец силицидди пардаси асосида инфра қизил нурли термоэлектрик ўзгартириш ва иссиқлик нурини ўта эффектив ҳолда совитилмай қайд этувчи приёмниклар яратиш” мавзусидаги лойиҳаларда металл-силицидларнинг таркибини ва улардаги атомларнинг концентрацияларини ҳисоблашда силицидларнинг оптик хусусиятларини ўрганишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 87-03-4334-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Mn_4Si_7 кремний пленкасининг тақиқланган зонаси кенглигини ва фотосезгирлигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари Республика ва халқаро конференциялар ва симпозиумларга тақдим этилди ва муҳокама қилинди: Тадқиқотнинг асосий натижалари 48 ва 49- халқаро конференцияларда зарядланган зарраларнинг кристаллар билан ўзаро таъсири физикаси бўйича (Москва, 2018, 2019); Ионларнинг сирт билан ўзаро таъсири бўйича XXIII, XXIV халқаро конференциялар (Москва, 2017, 2019); European Materials Research Society Spring Meeting (Strasbourg - 2018, Nice - 2019); В Халқаро конференция "Лазер, Плазма тадқиқотлари ва технологиялари (Москва, 2019);

“Яримўтказгичлар физикасининг ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг замонавий муаммолари” (Тошкент, 2018); “Замонавий физиканинг долзарб муаммолари” халқаро илмий конференцияси (Тошкент, 2019) халқаро ва республика конференциялари ва симпозиумларида хабар қилинди ва муҳокама қилинди.

Диссертация ишининг асосий натижалари 01.04.04 – Физик электроника ихтисослиги бўйича мутахассислар иштирокида "Умумий физика" кафедраси кенгайтирилган семинарида тақдим этилди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 1 та монография, 2 та патент, 12 та мақола, жумладан, 7 та мақола хорижий халқаро эксперт журналларида ва 18 та мақола конференция материаллари тўпламида.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация иши таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жумладан 148 номдаги 2 иловадан иборат. Диссертация матни машина ёзувида 197 саҳифаларида, жумладан 90 расмлар ва 21 жадвалларда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республикадаги фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан тадқиқотларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқланган, диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларга умумий нуқтаи назарни, муаммонинг ўрганилиш даражасини, мақсад ва вазифаларни шакллантиради, объектлар, мавзулар ва тадқиқот усуллари аниқлайди ҳамда илмий баён қилади. Тадқиқотнинг янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланди, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилди, натижаларнинг бажарилиши ва ишнинг апробацияси ҳақида қисқача маълумотлар, шунингдек тезис ҳажми ва тузилиши келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида адабиётлар шарҳига бағишланган "Қисқача адабиётлар шарҳи" деб номланган қисмида Мо юзасининг хусусиятларини ион бомбардимон қилиш ва плазма нурланиши билан ўзгартириш бўйича олинган натижалар таҳлил қилинган; истиқболли наноўлчамли яримўтказгичли тузилмалар; катталиги ва учкомпонентли структураларнинг ҳосил бўлишининг CdTe хусусиятларига таъсири ўрганилган.

Адабиётлар шарҳининг қисқача таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу иш бошланишидан олдин: металл ионларини имплантациялашда қийн эрувчи металлларнинг эмиссияси ва оптик хусусиятларининг ўзгариши механизмларини аниқлаш бўйича тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган; Мо ва Nb сирт оксидланишининг актив металл ионларини кўшилиши ва сочилишига таъсири экспериментал ва назарий жиҳатдан ўрганилмаган; сирт

кристалли тузилишидаги ўзгаришларнинг монокристалл кремнийнинг валент соҳа электронларининг жойлашиш зичлигига таъсири ўрганилмаган; Si нинг сирт ости бир неча қатламларида MeSi_2 нанокристалли фазаларининг яратиш ва электрон хоссаларини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари йўқ; Si га Co^+ ва O_2^+ ионларини кичик энергияли имплантацияси натижасида олинган $\text{SiO}_2/\text{Si}/\text{CoSi}_2/\text{Si}$ нанопленкасининг сирт топографияси, таркиби, электрон ва кристалли тузилиши ўрганилмаган; $\text{CoSi}_2/\text{Si}(111)$ юзасида Si ультра юпқа плёнкалари ($d = 5 - 10 \text{ \AA}$) ҳосил қилиш бўйича деярли изланишлар олиб борилмаган; Ag^+ ва Ba^+ ионлари билан кичик энергияли ($E_0 = 0,5-5 \text{ кэВ}$) бомбардимоннинг сиртга яқин CdTe/Mo қатламининг таркиби ва электрон тузилишига таъсири ўрганилмаган. $\text{Cd}_{1-x}\text{Ba}_x\text{Te}$ типидagi нанофазалар ва плёнкаларни шакллантиришнинг асосий механизмлари ишлаб чиқилмаган; CdTe юзасида ва сиртга яқин соҳасида эпитаксиал наноструктураларнинг олиш ва физик хусусиятларини ўрганиш бўйича деярли тадқиқотлар олиб борилмаган. CdTe сиртини CdMeTe нанофазлари билан қоплаш даражаси ва уларнинг электрон хоссаларининг нанокластер фазаларининг ўлчамларига боғлиқлиги аниқланмаган.

Ушбу ҳал қилинмаган муаммолар асосида ушбу диссертация ишининг асосий мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг "Экспериментал тадқиқотлар усули" деб номланган иккинчи боби материалларни ва наноўлчамли тузилмаларга эга плёнкалар олиш ва физик хусусиятларини ўрганиш учун экспериментал қурилмаларни тавсифлашга бағишланган. Ион бомбардимон қилиш, қиздириш ва асосий тадқиқотлар универсал ўта юқори вакуумли қурилмада амалга оширилди. Металл ионларининг энергияси E_0 0,5 дан 40 эВ гача оралиғида, Ag^+ ва O_2^+ эса - $E_0 = 0,5 - 5 \text{ кэВ}$ оралиғида ўзгарган. Намуналарнинг элементар ва кимёвий таркиби ОЭС усули билан, соҳалар энергиялар бўйича параметрлари ва валентлик электронлар ҳолатининг зичлиги - УФЭС, СУОЭ усуллари ва ўтувчи ёруғлик интенсивлигини ўлчаш йўли билан ўрганилди.

Юзалар микрорельефи ва панжаранинг параметрлари тўғрисида маълумотларни олиш учун биз стандарт қурилмалардан фойдаланганмиз: (SEM) "JEOL" сканерловчи электрон микроскоп, (RHE) "EMR-102" тезкор электрон диффрактометр, XIA-200 атом кучли микроскопи ва UV-1280 спектрофотометри.

Учинчи **"Кичик энергияли ионлар билан Nb ва Mo ни бомбардимон қилгандан сўнг таркиби, электрон тузилиши, эмиссияси ва оптик хусусиятларининг ўзгариши"** деб номланган бобда Nb, Ni ва Mo ларнинг қийин эрувчи ва актив металларнинг ионлари билан бомбардимон қилинганда, таркиби, электрон тузилиши, эмиссияси ва оптик хусусиятларининг ўзгаришини ўрганиш натижалари ҳамда ион бомбардимонининг кислород атмосферасида қиздириш вақтида Nb сиртининг оксидланишига таъсирини текшириш натижалари келтирилган.

Ҳақиқий иккиламчи электронлар (ҲИЭ) коэффитсиэнти δ қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$\delta = \int_0^{\infty} n(E_p, x) \cdot f(x) \cdot dx \quad (1)$$

бу ерда $n(E_p, x)$ - x чуқурликда E_p энергияси бўлган бирламчи электронлар ҳосил қилган ички иккиламчи электронларнинг зичлиги; $f(x)$ - бу (x) чуқурликдан иккиламчи электронларни чиқариш эҳтимоли $f(x)$ қуйидагича аниқланади

$$f(x) = \psi(x) \cdot p(e\varphi) \quad (2)$$

бу эрда $\psi(x)$ – чуқурликдаги электронларнинг юзага яқинлашиш эҳтимоли, $p(e\varphi)$ – иккиламчи электронларнинг металл-вакуум чегарасисига яқинлашиш эҳтимоли. Шундай қилиб, δ иш функциясига ҳам x чиқиш ишига ўхшаб, ҲИЭ чиқиш зонасида бирламчи электронлар ҳосил қилган $n(E_p, x)$ ички иккиламчи электронларнинг зичлигига ҳам боғлиқдир.

Ион легирланган намуналарнинг σ_m ва Y коэффицентларини оширишда сирт ва ҳажмнинг ролини баҳолаш учун ҳар хил қалинликдаги барий қатлами билан қопланган ва ҳар хил энергияларда ҳамда дозаларда $D=D_H=6 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-2}$ (D_H -тўйиниш дозаси) Ba^+ ионлари билан легирланган ниобий учун Y и σ_m ўлчов натижаларини таққосладик. Таққослаш учун биз E_0 ион энергиясининг ва қатлам қалинлиги Θ нинг шундай қийматларини танладикки, бунда иккала намуна учун ҳам чиқиш иши деярли бир хил бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Nb (111) учун ҳар хил энергияли барий ионлари билан легирланган ва ҳар хил қалинликдаги барий қатламлари билан қопланган σ_m , Y ва $e\varphi$ қийматлари

$Ba^+ \rightarrow Nb$ $D = 6 \cdot 10^{16} \text{ ион} \cdot \text{см}^{-2}$				Ba/Nb				$\sigma_{mл}/\sigma_{mн}$	$Y_{л}/Y_{н}$
$E_0, \text{кэВ}$	σ_m	$Y \cdot 10^{-6}$	$e\varphi$	Θ	σ_m	$Y \cdot 10^{-6}$	$e\varphi$		
0.5	3.4	56	2.3	0.7	2.0	30	2.35	1.7	1.8
3.0	2.6	30	3.2	0.4	1.75	19	3.15	1.45	1.6
5.0	2.1	11	3.9	0.2	1.55	9	3.85	1.3	1.2

$E_{pm} \approx 450 - 500 \text{ эВ}$ энергияларга мос $\sigma = \sigma_m$ қийматлари.

Жадвалдан кўринадики, $e\varphi$ нинг бир хил ўзгариши билан легирланган намуналар учун σ_m ва Y қийматлари чанглантирилган намуналарникига караганда каттарок. Легирланган намуналар ва чанглантирилган намуналар σ ва Y қийматларининг сезиларли фарқи $E_0 = 1 \text{ кэВ}$ да кузатилади ва шу билан бирга $\sigma_{л}/\sigma_{н}$ ва $Y_{л}/Y_{н}$ нисбатлар ~ 1.7 ни ташкил қилади.

ҲИЭ ва фотоэлектронлардан тоза Nb учун электронларни чиқиш зонаси чуқурлигининг ҳисобланган қиймати $20-25 \text{ \AA}$ ни ташкил этди. Бундай ҳолда, киритилган атомларнинг асосий қисми ҲИЭ чиқиш зонасига яқин

бўлган $0 - 20 \text{ \AA}$ чуқурликда жойлашган. Бу шунингдек, $e\phi$ нинг катта камайиши $E_0 = 0,5-1 \text{ кЭВ}$ да σ ва Y нинг энг катта ортишига олиб келади.

Ион энергиясининг ортиши билан эмиссия қилинган қатламдаги жойлаштирилган атомларнинг концентрацияси камаяди, бу эса σ_L / σ_H ва Y_L / Y_H нисбатларининг камайишига олиб келади.


1-расмда энергияси $E_0 = 0,5$ ва 3 кЭВ бўлган Na^+ ионлари билан легирланган ниобий учун ЭҚЭ dR/E_{PF} билан E_{PF} нинг боғланиш спектрлари кўрсатилган. Юқоридаги стрелкалар қалин натрий қатламига хос бўлган максимал ва минимал даражаларни, пастда эса тоза ниобий учун кўрсатилган.

Кўришиб турибдики, $E_0 = 0,5 \text{ кЭВ}$ да $dR/dE_{PF}(E_{PF})$ эгри чизиқларининг аксарияти натрийга хосдир.

E_0 ортиши билан бу хусусиятларнинг интенсивлиги камаяди, ниобий хусусиятларининг интенсивлиги ортади. Худди шу натижалар K^+ ва Ba^+ ионлари билан легирланган Nb учун ҳам олинган.


2 – расмда $E_0 = 0,5 \text{ кЭВ}$ да Nb нинг $43, 94$ ва 140 эВ энергияли Оже чўққилари йўқолади ва бошқа чўққиларнинг интенсивлиги кучли камайганлигини кўриш мумкин.

Барий чўққилари $38, 47, 55, 59$ ва 74 эВ энергияларда пайдо бўлади, уларни Оже ўтишлари мос равишда $\text{N}_4\text{O}_1\text{O}_3, \text{N}_5\text{O}_1\text{V}, \text{N}_5\text{O}_2\text{O}_2, \text{N}_{45}\text{O}_{23}\text{O}_{23}$ ва $\text{N}_4\text{O}_2\text{V}$ қайд қилинган.




1-расм. Na^+ ионлари билан легирланган Nb (111) учун dR/dE_{PF} нинг E_{PF} боғланиш графиги, E_0 , кЭВ: 2 – 3 кЭВ, 3 – 0,5 кЭВ, 1 – тоза Nb .

Назарий ҳисоблашлар CASCAD дастури ёрдамида амалга оширилди. Биз $\text{Na}^+, \text{K}^+, \text{Rb}^+$ ва Cs^+ ионларининг поликристалл Mo наъмуналари юзасида нормал тушиш ҳолатида сочилишини кўриб чиқдик. Шунинг учун ишкорий ионлар учун $V_i \approx e\phi$, акс этган нурнинг ионланиш даражаси юқори, аммо фақат Cs^+ ($V_i - e\phi = -0,63 \text{ эВ}$) учун 1 га тенг. Масалан, 3-расмда молибден нишонидан (нуқтали чизик) ва Mo_2O_3 бир моноқатлам билан қопланган Mo дан (қаттиқ чизиклар) сочилган Na ионларининг энергия спектрлари кўрсатилган.




2-расм. Ba^+ билан бомбардимон қилингандаги Nb (111) Оже спектрлари. E_0 , кэВ: 2 – 0,5; 3 – 1; 4 – 5; D = $6 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-2}$. 1 – тоза Nb. $E_p = 2 \cdot 10^{17} \text{ ион} \cdot \text{см}^{-2}$ амплитудаларининг (A) = 1250 эВ.

Спектрлар $\alpha = (70 \pm 5^\circ)$ бурчаклар оралиғида сочилган ионлар учун кўрсатилган. Нормал тушишда (δ) тақсимот шакли бир оз ўзгарган. Тушиш бурчаги ($\varphi = 70^\circ$) да, кислород (биринчи чўққиси) ва молибден атомлари билан сочилишга боғлиқ бўлган чўққилар яхши ажратилган. O_2^+ атмосферасида легирланган намуналарни термо ишлов бериш вақтида иккиламчи эмиссия параметрларининг ўзгариши механизмини аниқлаш учун Оже электронлар спектридаги турли ҳароратлар танлаб олинди. 4-расмда ВаО ва Мо нинг Оже чўққиларининг (А максимал қийматига мосланган) Мо (111) учун бўлган кислородли атмосферада ($P_{O_2} = 5 \cdot 10^{-2} \text{ Па}$) Ba^+ ионлари билан легирланган $E_0 = 0,5 \text{ кэВ}$ ($D = 2 \cdot 10^{17} \text{ ион} \cdot \text{см}^{-2}$) амплитудаларининг (А) ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган.



3-расм. Na ионлари сочилган тоза Мо (нуқтали) ва Mo_2O_3 оксид пленка билан қопланган Мо (қаттиқ чизик) учун энергия спектрлари.



4-расм. Кислородли муҳитда ($P_{O_2} = 5 \cdot 10^{-2}$

Па) $E_0 = 0,5$ кэВ билан Ba^+ ионлари билан легирланган ВаО ($E_2 = 57$ эВ) ва Мо ($E_2 = 123$ эВ) учун Оже чўққилари амплитудаларининг Мо учун ҳароратга боғлиқлиги

Ионли легирланган намунани термо ишлов беришда бир вақтнинг ўзида қуйидаги жараёнлар содир бўлиши мумкин: ВаО ва Ва нинг сиртдан диффузияланиши; ўрнатилган Ва юзасига диффузия, шунингдек кислороднинг намунанинг ички қисмига тарқалиши. Буғланиш даражаси қопланиш даражасига муносиб ва десорбция иссиқлигига боғлиқ..

Қиздиришнинг дастлабки босқичида юзага диффузия оқими десорбция тезлигидан ошиб кетади, бу эса ер нинг камайишига олиб келади. Кўринишидан, юзага тарқаладиган Ва атомлари ортиқча кислород билан бирикиб, ВаО ҳосил қилади (бу ОЭС натижалари билан тасдиқланган)


Шу билан, ионли легирланган Мо ($E_0 \geq 3$ кэВ) $T = 800$ К га қиздирилганда, ўрганилаётган соҳада σ нинг қиймати ортади. Ҳароратнинг янада ошиши билан Ва ва ВаО нинг миграция жараёнлари, шунингдек, ВаО плёнкасининг юзадан десорбцияси ва ВаО молекулаларининг парчаланиши бошланади, бу эса σ нинг камайишига олиб келади.

Тўртинчи боб "Турли хил табиатдаги материалларнинг юзасида ва сиртга яқин соҳасида ҳосил бўлган Si нанофазалари ва қатламларининг кристалл ва электрон тузилиши", Si сиртининг кристалл панжарасининг тартибсизлигини валент электронлари зичлиги максимумининг ҳолатига таъсири бўйича тажриба натижаларини аниқ тушунтиришга бағишланган; нур ўтказиш усули билан CaF_2 юзасида олинган Са ва Si нанофазаларининг электрон тузилишини ўрганиш; Si га Co^+ ва O_2^+ ионларини кетма-кет имплантация қилиш йўли билан $SiO_2/Si/CoSi_2/Si$ типдаги кўп қатламли нано пленка гетеротизимини олиш, уларнинг таркибини ва тизимнинг турли чуқурликларида атом концентрациясини ўрганиш; Si- $CoSi_2$ -Si нано пленка тизимининг таркиби, тузилиши ва энергия оралиғи параметрларини экспериментал ўрганиш.

5-расмда турли хил дозаларда $E_0=1$ кэВ бўлган Ar^+ ионлари билан бомбардимон қилинганда Si фотоэлектронлар спектридаги ўзгариши келтирилган. Дастлаб биз кремнийнинг асосий А пики ҳолати ва шакли

Ўзгаришини кўриб чиқайлик. Кўриниб турибдики, нурланиш дозасининг ошиши билан A чўққиси кенгайди, унинг амплитудаси камаяди ва ҳолати юқори энергиялар томон силжийди (E_v валент зонасининг юқори қирраси). Ион бомбардимон қилиш вақтида Si сиртининг таркиби деярли ўзгаришсиз қолади, шунинг учун кузатилган ўзгаришлар асосан сиртга яқин қатламларнинг тартибсизлиги билан изоҳланади. $D=6 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-2}$ бўлганда тўлиқ аморфизация бўлади ва D нинг янада ўсиши фотоэлектронлар спектрининг сезиларли ўзгаришига олиб келмайди.

Энди сиртни тартибсизланиш жараёнида кремнийнинг валент соҳаси ҳолатидаги зичлик максимал ҳолатининг ўзгаришини назарий нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилайлик. Кремний монокристаллидаги электронлар ҳолати Блоховский ҳолатида Грин функцияси $G_0(\omega, k)$ билан тавсифланади, бу ерда ω -тушаётган ёруғликнинг частотаси, k - кенгайтирилган схемадаги электроннинг квазимульси.



5-расм. Ar^+ ионлари билан бомбардимон қилинган $Si(111)$ учун фотоэлектронлар энергия тақсимотининг эгри чизиқлари; $E_0=1 \text{ кэВ}$ билан $D, \text{ см}^{-2}$: 1-0, 2- $2 \cdot 10^{14}$, 3- 10^{15} , 4- 10^{16} .

$G_{kk'}$ аморф моддасидаги электроннинг Грин функцияси Шредингернинг интеграл тенгламасини қаноатлантиради:

$$\hat{G}_{kk'} = G_0(k)\delta_{kk'} + G_0(k) \sum \hat{V}_{kk'} \hat{G}_{k'k} \quad (3)$$

бу ерда $\hat{V}_{kk'}$ - модданинг тасодифий жойлаштирилган атомлари томонидан электронга таъсир қилувчи тасодифий потенциалнинг матрица элементи, K нинг йиғиндиси эса кристаллдаги электронларнинг барча ҳолатларида бажарилади.

K -монокристалл кремнийнинг валент соҳасини тасвирлайди, K' -ионли бомбардимон кремнийга мос келадиган соҳани тасвирлайди.

δ - Диракнинг дельта функцияси, фотон ютилгандаги энергиянинг сақланиш қонунини ифодалайди.

Иккинчи тартибли назарияда аморфланиш натижасида максимумнинг силжиши тасодифий потенциал V нинг квадратик модулининг ўртача қийматига пропорционалдир. У ҳолда

$$M_{kk} = N \int \frac{dk''}{(2\pi)^3} \frac{\langle |\hat{V}_{kk}|^2 \rangle}{\epsilon_k - \epsilon_{k''}} \quad (4)$$


бу ерда N - нуқсонларнинг концентрацияси, $\langle |\hat{V}_{kk}|^2 \rangle$ - тасодифий таъсир ўтказиш потенциалининг ўртача тебраниши, (4) да интеграл асосий қиймат маъносида тушунилади. ε'_k - аморфланган кремнийнинг валент электронлар энергияси қуйидагича

$$\varepsilon'_k = \varepsilon_k + M_{kk} \quad (5)$$


бу ерда ε_k - соф кристалл кремнийнинг валентлик зонасидаги электрон энергияси. Чўққиларнинг энергетик ҳолатининг силжиши (4) формула бўйича ҳисобланган M_{kk} қиймати билан аниқланади.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, кичик концентрацияда, яъни, кичик имплантация дозаларда ($D < 10^{15} \text{ см}^{-2}$) потенциал M_{kk} ва ҳолатлар зичлиги максималининг концентрациясига нисбатан чизикли силжийди. Аморф кремнийга ўтишга мос келадиган юқори киришмалар концентрациясида ($D > 10^{15} \text{ см}^{-2}$ дозаларда) M_{kk} нинг концентрацияга боғлиқлиги жуда заиф. Турли хил дозаларда $E_0 = 1$ кэВ бўлган Ar^+ ионлари билан нурланишда CaF_2 фотоэлектронларининг энергия тақсимооти эгри чизигидаги ўзгаришларнинг динамикаси ўрганилди (6-расм). "Соф" CaF_2 спектрида фотоэлектронларнинг дастлабки кескин ўсиши 12,2 - 12,3 эВ дан бошланади, бу эса E_V валент соҳанинг юқори қисмидан электронларнинг вакуумга чиқиши билан боғлиқ. CaF_2 учун электрон майинлиги $\chi \sim 0,1$ эВ. Шунинг учун унинг E_g оралик оралиғининг кенглиги $\sim 12 \text{ eV}$ деб тахмин қилиш мумкин. $E_{\text{фе}} = 7,5$ эВ да ўзига хослик, маълум бир миқдордаги Са нинг фтор билан боғлиқ бўлмаганлиги, ва $E_{\text{фе}} = 4$ эВ да ўзига хосликнинг пайдо бўлиши сирт ҳолатларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. CaF_2 нинг $D = 5 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-2}$ билан Ar^+ ионлари билан бомбардимон қилиниши энергия тақсимот эгри чизикларининг кенгайишига, асосий максимал ($E_{\text{фе}} \approx 14 \text{ eV}$) интенсивлигининг камайишига ва фотоэлектронларнинг квант рентабеллигини, шунингдек спектр бошида (E_V валент соҳасининг чеккаси) паст энергиялар томон силжишига олиб келади. Бундай ҳолда, $E_{\text{фе}} \approx 7,5$ эВ да пик амплитудаси бироз ортади, ~ 4 эВ соҳа текисланади ва CaF_2 тақиқловчи соҳа кенглиги 1,1 - 1,2 эВ га камаяди. $D = 5 \cdot 10^{15} \text{ см}^{-2}$ бўлса, асосий максимал соҳадаги эгри чизик майдони тахминан 3 бараварга камаяди, фотоэлектронларнинг квант рентабеллиги - 2 баробардан кўпроқ ва E_g қиймати 4,5 эВ га, Са тегишли соҳадаги 7,5 - 8 эВ пикнинг интенсивлиги 6-7 марта ортади. $D = 5 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-2}$ да CaF_2 диэлектрикининг фотоэлектрон спектрининг тузилиши бутунлай металл-калцийга хос бўлган тузилишга айланади. УФЭС эгри чизигининг тузилишидаги ўзгаришлар, фотоэлектронларнинг квант рентабеллигининг камайиши ва ион дозасининг

ошиши билан ўтувчи ёруғлик интенсивлиги Ca кластер фазаларининг ўлчами катталашини билан изоҳланади (6-расм)




6-расм. Ar^+ ионлари билан нурлантирилган $\text{CaF}_2(111)$ нинг фотоэлектрон спектрлари, $E_0=1$ кэВ билан $D, \text{см}^{-2}$ 1 - 0, 2 - $5 \cdot 10^{14}$, 3 - $5 \cdot 10^{15}$, 4 - $5 \cdot 10^{16}$. $h\nu = 21,2$ эВ.



7-расм. $\text{CaF}_2(111)$ сиртининг Si плёнкаси $\theta \approx 5$ моноқатлам қалинликдаги РЭМ тасвири.


Шу каби усулда $\text{CaF}_2(111)$ юзасида ўсган Si нанопленкаларининг таркиби, кристалл ва электрон тузилишидаги ўзгаришлар ўрганилди. Эпитаксиал Si плёнкаларини олиш учун ҳар бир чанглатиш жараёнидан сўнг тизим T-800 - 900 K да $\theta \approx 10$ та бир қатламли қалинликда қиздирилди. Si пленкаси оролчали характерига эга эди (7-расм). Узлуксиз бир ҳил плёнкалар $\theta \geq 10 - 15$ моноқатламларда ҳосил бўлган. $\theta = 5$ ва 15 моноқатламли қалинликдаги Si плёнкали CaF_2 учун $I(h\nu)$ боғлиқлиқни ўрганиш (8-расм) шуни кўрсатдики, $\theta=5$ моноқатламли плёнкада $h\nu = 0,9 - 1,2$ eV оралиғидаги ёруғлик интенсивлиги 3,5 - 4 марта камаяди (7,5 - 8 дан 2 - 2,2 гача). Бу ҳолда CaF_2 сиртининг 70 - 75% Si плёнка билан қопланган деб тахмин қилиш мумкин. $h\nu = 0,8 - 1,1$ эВ оралиғида $\theta = 15 - 20$ моноқатлам ҳолда деярли 7,5 - 8 дан ногача камаяди, яъни сирт тўлиқ Si атомлари билан қопланади. Қиздиришлардан кейин эпитаксиал Si (111) қатлами ҳосил бўлади.




8-расм. Ўтказилган ёруғлик интенсивлигининг фотон энергиясига боғлиқлиги : тоза $\text{CaF}_2(111)$ (1-эгри чизик) ва CaF_2 қалинлиги 5 (2-эгри чизик) ва 15 моноқатлам (3-эгри чизик) қалинликдаги Si плёнкаси билан.

Амалда турли хил Si чуқурликларида $MeSi_2$ наноструктураларини олиш жуда муҳимдир. 9-расмда Co^+ ионлари билан $E_0 = 30, 15$ ва 1 кэВ энергияда кетма-кет имплантация қилинган, Si ни қиздирилгандан сўнг олинган учқатламли $CoSi_2/Si$ тизимининг $C_{Co}(d)$ боғланиши келтирилган. Si нинг сиртида ва сирт ости қатламида $CoSi_2$ наноқатламлар ҳосил бўлиб, сирт қатламининг қалинлиги $4 - 5$ нм, ички қатламларнинг қалинлиги $10 - 12$ нм эканлиги кўриниб турибди. Шунини таъкидлаш керакки, $CoSi_2/Si$ ва $Si/CoSi_2$ оралиғида бўлиниш чегарасида ҳосил бўлган ўтиш қатламлари чегараларининг тўсилиши натижасида бу қатламлар орасида тоза Si қатламлари деярли ҳосил бўлмайди. $E_0 \leq 40-50$ кэВ энергияда уч қатламли $CoSi_2/Si/CoSi_2/Si/CoSi_2/Si$ тизимларини олиш мумкин эмас деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, ионларнинг кичик дозаларида Si нинг турли хил чуқурликларида алоҳида нанокристалл $CoSi_2$ фазаларини олиш мумкин.

10-расмда $D = 10^{17} \text{ см}^{-2}$ да $E_0 = 25$ кэВ ва $E_0 = 1$ кэВ бўлган Co^+ ионлари билан имплантация қилинган Si учун Co нинг чуқурлик бўйича тақсимланишининг концентрация профили келтирилган.



9-расм. $E_0 = 30, 15$ ва 1 кэВ га эга бўлган Co^+ ионлари билан имплантация қилинган Si учун Co нинг чуқурлик бўйича тарқалишининг концентрация профиллари; Ҳар бир имплантация давридан кейин қиздириш $T \approx 900$ К да амалга оширилди.



10-расм. $D = 10^{17} \text{ см}^{-2}$ да $E_0 = 25$ кэВ ва $E_0 = 1$ кэВ бўлган Co^+ ионлари билан имплантация қилинган Si учун Co нинг чуқурлик бўйича тақсимланишининг концентрация профили

Биринчи ҳолда (1-эгри чизик) ион имплантациясининг ҳар бир циклидан сўнг, қиздириш $T = 900$ К да 40 минут давомида амалга оширилди. Иккинчи ҳолда, қиздириш имплантациядан сўнг 25 ва 1 кэВ (2-эгри чизик) да амалга оширилди. кетма-кет ион имплантациясидан сўнг қиздириш амалга оширилганда, $CoSi_2$ қатламлари орасида юпқа тоза Si қатлами ҳосил бўлмайди. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолатда Co атомлари турли хил

энергия билан легирланган Si атомлари билан аралаштирилади ва $d = 8-20$ нм ораликда диффузия даражаси кескин камаяди.

Уч хил Si (111) чуқурликда нанокристалл CoSi_2 фазаларини олиш учун ион имплантацияси ва қиздиришнинг оптимал режимларини аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

CoSi_2 нинг нанокристалли фазаларининг ўлчамлари (d), ҳосил бўлиш чуқурлиги (h) ва Co^+ ионларини Si га ҳар хил энергия ва дозаларда жойлаштирилганда ҳосил бўлган нанокристалли фазалар орасидаги масофалар (b)



E_0 , кэВ	D , см^{-2}	T , К	d , нм	h , нм	b , нм
1	$5 \cdot 10^{14}$ 10^{15}	850 900	8 – 10 14 – 16	юзада $\theta = 4 - 5$	50 – 60
15	$5 \cdot 10^{14}$ 10^{15}	1000 1000	6 – 8 10 – 12	15 – 16	45 – 50
30	$5 \cdot 10^{14}$ 10^{15}	1000 1000	– 8 – 10	28 – 30	35 – 40

Намуна орқали узатиладиган ёруғлик интенсивлигининг ўзгаришини ўрганиш шуни кўрсатдики, 28 - 30 нм чуқурликда ҳосил бўлган $d = 8 - 10$ нм бўлган нанокристалли CoSi_2 фазалари учун E_g қиймати $\sim 0,85$ эВ, ва бу қатламдаги нанокристалл CoSi_2 нинг нисбий майдони (қопланиш даражаси) $\sim 0,25 - 0,3$ (11-расм). Агар яхлит CoSi_2 плёнкаси учун $E_g = 0,6$ эВ қийматини ҳисобга олсак, бу ҳолда квант-яма эффе́ктлари аниқ намоён бўлади. Ўлчамлари 28-30 нм ва 15-17 нм бўлган икки қатламда нанокристалли фазалар ҳосил бўлиши вақтида (11-расм, 2-эгри чизик) E_g нинг қиймати сезиларли даражада ўзгармайди, лекин сирт қатламини нанокристалл CoSi_2 фазалар билан қоплаш даражаси деярли 1,5-2 баравар ортади.

Икки қатламда ҳосил бўлган нанокристалли фазалар бир-бири билан боғланмайди деб тахмин қилиш мумкин, шунинг учун квантўлчамли эффе́ктлари сақланиб қолади. Қопламанинг кенгайиши юқори қатламнинг нанокристалли фазалари пастки қатламининг нанокристалл фазалари билан қисман қопланишига боғлиқ. Ушбу қатламларнинг жойлашиши схематик равишда кўриниши 12-расмда тасвирланган. D нинг ортиши билан E_g нинг қиймати камаяди ва θ қиймати эса ортади (3-эгри чизик). $D = 8 \cdot 10^{16}$ см^{-2} да доимий CoSi_2 қатлами ҳосил бўлади (4-эгри чизик).


CoSi_2/Si (111) юзасида Ar^+ ионлари билан бомбардимон қилиш орқали биз Si нанопленкаларини олдик (13-расм). Имплантациядан кейинги киздириш 30 дақиқа давомида амалга оширилди. $T = 900$ К да тизимнинг

аморфланган соҳасининг тўлиқ кристалланишига ва Si/CoSi₂/Si(111) типдаги ҳетероэпитаксиал плёнка тузилишига олиб келади.



11-расм. Юза қатламда 28 - 30 нм (1-эгри чизик) ва 15 - 17 нм чуқурликда ҳосил бўлган CoSi₂ нанокристаллари билан Si учун фотон энергиясининг ўтувчи ёруғлик интенсивлигига боғлиқлиги (2 – 4-эгри чизик).

12-расм. Si/CaF₂ сиртга яқин қатламда жойлашган CoSi₂ нанофазаларининг схематик тасвири.



13-расм. CoSi₂/Si (111) тизими учун Si атомларини чуқурлик бўйича тақсимланиши: 1 - бошланғич тизим, 2 - $D=8 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-2}$ да $E_0 = 2,5 \text{ кэВ}$ бўлган Ar^+ ионлари билан бомбардимон қилинганидан кейин, 3 - $T=900 \text{ К}$ да қиздирилгандан кейин.

3-жадвалда юпқа Si, CoSi₂, Si/CoSi₂ ва CoSi₂/Si(111) плёнкаларининг чегерасидаги ўтиш қатламининг кенглиги энергия диапазонлари параметрлари келтирилган.

Тақиқловчи соҳа кенглиги E_g ва валент соҳа кенглиги E_v ҳолати УФЭС билан аниқланди. Электрон яқинлиги (χ) қийматлари $\chi = E_v - E_g$ формуласи ва иккита яримўтказгичнинг электрон яқинлиги қийматлари фарқидан ўтказувчанлик соҳалари қирраларининг узилишлари билан баҳоланди:


$$\Delta E_c = \chi_1 - \chi_2.$$

Si ва CoSi_2 юпқа плёнкаларининг энергия диапазони параметрлари ва Si/ CoSi_2 ва $\text{CoSi}_2/\text{Si}(111)$ чегарасидаги ўтиш қатламининг кенглиги (Δh).

Параметр	Si ($h = 20 \text{ \AA}$)	CoSi_2 ($h = 500 \text{ \AA}$)	Si (111)
$E_g, \text{ eV}$	1.1 – 1.2	0.5	1.1
$E_v, \text{ eV}$	4.7	5.0	5.1
$\chi, \text{ eV}$	3.5	4.5	4
$\Delta E_c, \text{ eV}$	0.1		0.5
$\Delta E_v, \text{ eV}$	0.3		0.1
$\Delta h, \text{ \AA}$	15 – 20		60 – 80

Бир электрон назарияни инобатга олсак, тақиқланган соҳалар кенглиги орасидаги фарқ , $\Delta E_g = \Delta E_c - \Delta E_v$, $\Delta E_g = E_{g2} - E_{g1}$ бўлади. Бу боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, $\Phi = \chi + E_g$ биз валентлик соҳалар қирраларининг ажралишини оламиз, яъни $\Delta E_g = \Phi_2 - \Phi_1$

Si/ CoSi_2 нанопленкаси билан контактлашиши ушбу формулаларига асосан: - $\Delta E_c = 0,3 \text{ эВ}$; $\Delta E_v = 0,1 \text{ эВ}$ ва $\text{CoSi}_2/\text{Si}(111)$ контакт учун: $\Delta E_c = 0.5 \text{ эВ}$, $\Delta E_v = 0.1 \text{ эВ}$.




14-расм. Si/ CoSi_2 /Si (111) тизими учун энергия соҳасининг диаграммаси.



Бешинчи бобда "Ион имплантацияси ва қиздиришнинг CdTe таркибига, эмиссиясига ва оптик хусусиятларига, кристалли ва электрон тузилишига таъсири" яъни: Ag^+ ва Ba^+ ионлари орқали наноўлчамли бир ва кўпкомпонентли CdTe юзасида ва сирт сирт ости соҳасида нанофазалар ва қатламларни ҳосил қилиш, уларнинг электрон ва кристалли тузилишини, эмиссия ва оптик хусусиятларини ўрганиш бўйича биринчи марта экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

15-расмда юқори вакуумда CdTe/Мо (111) плёнкаси юзасининг РЭМ тасвири кўрсатилган.

